

2025-yil — Atrof-muhitni asrash va yashil iqtisodiyot yili

ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН



Сурхондарё вилоят ҳокими Улукбек Қосимов ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган дастурий вазифаларнинг ижроси билан танишиш доирасида навбатдаги ташрифи чоғида бу борада туманимизда амалга оширилаётган қурилиш-бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Маълумки, тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий механизми бу — жозибдор инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишдир. Бу соҳада вилоят ҳокими томонидан туманимизнинг ўзига хос шарт-шароитлари, имкониятларидан келиб чиқиб лойиҳаларни тайёрлаш, муҳими ушбу лойиҳалар аниқ мақсадларни кўзлаб ҳаётга татбиқ этилиши бўйича вазифа-

лар белгилаб берилганди.

Белгиланган вазифалар доирасида бугунгача тумanning ижтимоий-иқтисодий аҳоли нисбатан огир, ишсизлик даражаси юқори бўлган Чилонзор маҳалласи ҳудудида тадбиркорликни ривожлантириш, хусусан оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, томорқа маданиятини шакллантириш бўйича кенг кўламли ишлар бошлаб юборилган. Айни пайтда бу ерда тухум ва гўшт етиштиришга мўлжалланган паррандачилик соҳасини йўлга қўйиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилиб, янги иш ўринлари яратилди. Вилоят ҳокимининг ташрифи ва амалга оширилаётган ишлар кўламли билан танишиш жараёни шу ҳудуддан бошланган ҳам айнан мана шу дастурлар ижроси билан боғлиқ.

(Давоми 2-бетда)

Дунёдаги жами буюклик, шон-шухрат, қаҳрамонлик аёл сиймоси олдида ожизу лолдир. Чунки у жамият кўзгуси, миллат тарбиячиси ва:

У волида, у сингил,
Сууюкли ёр фарзанддир.
Эркалар умрининг у
Мазмунидир, кўркидир.

Аёлни эъозлаш, унга эҳтиром кўрсатиш бизнинг халқимизга хос олижаноб хусусиятлардан биридир. Буни аёллар байрамининг узок, қизиқ ва диққатга сазовор



ҲАМ НАЗОКАТ, ҲАМ ЖАСОРАТ ТИМСОЛИ – АЁЛ

Бироқ... Қадимий даврга оид тарихий манбаларни ўқир эканмиз, қизиқарли маълумотларга эга бўламиз. Жумладан, аёллар байрами Ўрта Осиёда қадимдан оналик (матриархат) давридаёқ бўлган экан. Бу ҳақда Ўрта Осиёнинг буюк олими Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” китобида узок ўтмишда аёллар байрами бўлганлигини қайд этган экан.



тарихидан ҳам билсак бўлади.

Гап шундаки, кўпчилик бу байрамни XX асрда вужудга келган, деб ҳисоблайди. Ҳа, хотин-қизлар байрами 1910 йил Копенгагенда бўлиб ўтган XI халқаро хотин-қизлар анжуманида Клара Цеткин таклифи билан бошланган эди. Бу эса 1857 йил 4 мартда Нью-Йоркда бўлиб ўтган аёллар намоийишига бориб тақалади. Ўшанда пойфал ва тикув фабрикалари ишчи аёллари 10 соатлик иш куни, ёруғ ва қуруқ иш хоналари ҳамда эркалар билан бир хил маош олишни талаб қилиб чиқишган эди.

Бу ташаббус байрам сифатида 1911 йил Австралия, Дания, Германия, Швецияда, 1913-14 йилларда эса Россия, АҚШ, Германия, Австрия, Францияда нишонланди. Бу байрам илк бор Тошкентда 1917 йилда 1 май куни нишонланади.

Қадимий аёллар байрами исфандармўз (феврал ойига тўғри келади) ойининг 5-куни нишонланиб, “рўзи исфандармўз” деб аталган экан. Бу ҳақда Беруний: “Ўтмиш замонларда бу ой ва бу кун хотинлар ҳаётига хос бўлиб, эрлар уларга эҳсон қилар эдилар”, деб ёзган. Исфандармўз сўзининг маъноси “ақл” ва “мулоҳаза” демакдир. “Исфандармўз” гўзал соҳиба, номусли, яхши ишлар қилувчи ва эрига муҳаббатли хотинга вакил қилинган фариштанинг номидир. Бу қадимда нафақат аёллар куни бўлибгина қолмай, балки бутун “Исфандармўз” аёллар ойи ҳисобланган. Бироқ патриархат — оталик уруғи ҳукмдорлигига ўтгандан сўнг аёллар байрами тақиқлана бошлади ва ўрта асрларга келиб бутунлай йўқолиб кетади.

Бир умр инсонлар хизматида бўлган Озоданинг падари бузруквор Исмоиловлар сулоласида нахотки бобо касбини давом эттирадиганлар бўлмаса? Бор экан, айнан Озоданинг иккинчи фарзанди Ферузжон олийгоҳни тугатиб, эндиликда Ибодулло бобоси сингари тайёрлов идораси-

Меҳрли қадс воҳидлари



нинг бош муҳандиси бўлиб ишламоқда. Демак, сулоладагиларнинг бу борада кўнгли тўқ.

Умуман олганда Ибодулло ака ва Чинниҳол опа-лар ўн нафар фарзандни камолга етказган бўлса-

не ажаб. Яна бир қизи Озоданинг изидан бориб ҳамшира бўлиб ишляпти. Озодага келганда у бошқача дунё. Қалби меҳрга тўла, талабчан, меҳнатсевар ва халоскор инсон сифатида гавдаланади.

(Давоми 2-бетда)

Бундан 35-40 йиллар муқаддам бугун бир томони “Наврўз”, иккинчи томони “Янги Ўзбекистон” массиви деб аталувчи чуқур ўзанли Шўрсой сойининг икки томонида жойлашган бу ҳудудлар давлат хўжалигига қарашли боғ-узумзор, яйдок лалми ерлардан иборат кенг майдон эди.

Дастлаб Шўрсойнинг чап қирғоғида жойлашган, бир замонлар “Таёқли ота”, “Йўнчиқазор” номлари билан аталган ҳудудда тумanning аҳолиси тигиз ҳудудларидан ёш оилалар кўчи кела бошлаган, орадан беш-ўн йил ўтмай “Наврўз” ҳам энига, ҳам бўйига кенгайиб, бир томони Шўрсой, бир томони эса “Қизил” деб аталмиш қир-адирлар ва далаалардан иборат тепаликлар ва “Газа” маҳалласининг этагигача етиб борди. Шўрсой маҳалласи ҳам йиллар ўтиб аҳоли кўпайиши ўларок, ҳозирги “Мустақиллик” маҳалласи билан туташиб кетди. Йиллар ўтган сайин Шўрсойнинг чап қирғоғидаги ҳудудларда жойлашган ва йилдан-йил кўпайиб бораётган аҳолининг ишга, рўзгор таъмиши билан шаҳар марказига, ўқувчиларнинг эса таълим масканларига қатнашида ўзига хос муаммолар пайдо бўла бошлади. Айниқса, Шўрсойнинг бу ҳудудларидан ўтувчи қисмида унинг икки қирғоғини туташтирувчи кўприк йўқлиги сабаб аҳоли, ёш болаларнинг 3-4 қақрим ортиқча йўл босишларига тўғри келарди. Ваҳоланки, Шўрсойни бирлаштирувчи ҳеч бўлмаса пиёдаларга мўлжалланган кўприк бўлганда

ШЎРСОЙ УЗРА ЯНГИ КЎПРИК

ҳам шаҳар марказига қатнаш 2-3 барабар қисқарган бўларди. Шу зайл қарийб қирқ йил Шўрсой, Газа ва “Мусақиллик” маҳаллалари туташган улкан ҳудуддаги минглаб аҳоли фарзандлари 4-5 қақрим айланма йўллар орқали шаҳардаги 1-, 2-, 6-сонли таълим масканларига пиёда қатнашга мажбур бўлишди.

Кейинги 2-3 йил ичида Шўрсой сойининг ўнг қирғоғидаги собиқ давлат хўжалигига қарашли ер майдонларида ҳам ҳаёт қайнаб, янги аҳоли масканлари, ижтимоий объектлар пайдо бўла бошлади. Айниқса, шу томонда “Янги Ўзбекистон” массиви, жомеъ масжид, истироҳат боғи, деҳқон бозори ва бошқа кўплаб sanoat корхоналари, аҳоли хонадонлари, ташкилот-корхоналарга тегишли бинолар бунёд этилиб, замонавий шаҳар тусини ола бошлади. Бироқ Шўрсойнинг чап қирғоғидаги минглаб хонадонлар ҳали ҳам атиги 5-10 метр масофадаги улкан жарликдан ўта олмай, яқин йўл қолиб, 4-5 қақрим айланиб юришга мажбур эдилар...

Шўрсой маҳалла аҳли билан бўлган мулоқотлар чоғида аҳоли туман ҳокими Б.Шукуровга ушбу масалада мурожаат қилиб, маслаҳат солишди. Ҳокимдан ҳеч бўлмаса кўприк қуриш учун темир

платформа ҳамда таянч устунлари топишда амалий ёрдами сўрашди. Ҳоким халқ дардини эшитиб, муаммони ҳамкорликда бартараф этиб, шўрсойликларнинг узоғини яқин қилишда кўмак беришни ваъда қилди.

Кўприк қуриш масаласини кўтариб, у-бу идораларга бош уриб юрган маҳалла фаолларидан бири Бахтиёр Шукуров ҳокимнинг ваъдаларидан руҳланиб, асосий ташвишни ўз елкасига оладиган бўлди. Маҳалла имоми Ўрал ҳожи Тошматов ва маҳалла фаоллари билан маслаҳатлашиб, амалга ошириш таклифини берди. Хонадонма-хонадон юриб, аҳоли ва жамоатчиликни савоб ишга чорлаб, ихтиёрий равишда моддий кўмак беришга қақирди.

Халқимизнинг кўп яхши одатлари бор. Ҳашар

2025 йил — “Атроф муҳитни асраш ва “яшил” иқтисодиёт йили” давомида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасида белгиланган вазифаларни янада самарали ижро этилишига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Зотан, бу йилда туманимиздаги 545,5 гектар майдонга жами 600 минг туپдан ортиқ манзарали ва мевали ҳамда бута кўчатлари экиш режалаштирилган. Ушбу кўчатларнинг энг кўпи, яъни 135 мингтаси МФЙлар ва ички йўлларда, аҳоли томорқаларида экиш ва парваришlash режалаштирилган. Шу мақсадда лойиҳанинг баҳорги мавсуми бошланиши

КЎЧАТ ЭКИШДА ҲАМ ҚИЛДҲЧИ БОСҚИЧ

билан туманимиздаги барча маҳаллалар “етиликлар”и ҳамкорлигида ҳудудларда кўчатларни сифатли қилиб экиш ва парваришlash бўйича ҳашарлар ташкил этилмоқда.

Маҳаллаларда кўчат экиш тадбирлари давомида ҳудудларда реконструкция қилинган, ариқлар тортилган ички кўчалар атрофида ниҳол ўтказишга алоҳида эътибор қаратилляпти. Шунингдек, муҳтарам Президентимизнинг топишириқларига биноан маҳалла хонадонларига хурмо, анжир, ток ниҳолларини тарқатиш ва экиш ишлари ҳам жадал олиб боришмоқда. Таъкидlash жоизки, маҳалла ички йўллари ва аҳоли томорқаларида “Яшил макон” доирасида кўчат экишнинг ўзига хос афзалликлари бўлиб, бунда экилган ниҳолларни парваришlash ва кўкартириб олишнинг

имкониятлари анча юқори бўлади. Масалан, ички йўллар атрофида экилган ниҳолларни, агар ҳар бир хонадон ўз ҳовлиси чегарасига-ча бўлган ҳудуддаги кўчатларга эътибор қилиб, уларни чорва молларидан ҳимоялаб, вақти-вақти билан тагини юмшатиб, суғориб туришга эътибор қаратса уларни юз фоиз асраш мумкин. Бу ўз навбатида яқин йиллар ичида барча маҳаллалардаги кўчаларимиз кўркини очиси, ҳудудларда яшил майдонларни кенгайтириб, атмосферага чиқадиған чанглари камайтиришга хизмат қилади, албатта. Бу борада тумандаги Арикушти, Чорчинор, Тўзбозор, Оби, Косиблар, “Мустақиллик” “Бошработ” маҳаллаларида олиб борилаётган ишлар эса алоҳида эътиборга молик.

Баҳор фасли совуқ кўнлар билан бошланган бўлса-да, кўчат экиш учун энг қулай бўлган март ойи асосан иссиқ келиши кутилмоқда. Шунинг учун ҳам барча корхона ва ташкилотлар, хонадонлар ва маҳаллалар кесимида баҳорги кўчат ва бута ниҳолларини экиш ишларини дарахтлар тўлақонли уйғонмасдан туриб, эртароқ экиб олишга улгуриш лозим. Шунингдек, баҳорги ёғингарчиликлардан самарали фойдаланган ҳолда ёғин сувларидан ниҳолларни суғориш, парвариш қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш керак. Бу, айниқса, суғориш имконияти чекланган маҳаллалар ва ташкилот-корхоналар ҳудудида экилган ниҳолларни талфатсиз кўкартириб олиш учун жуда қулай имконият бўлиши мумкин.

Алишер ИСМОИЛОВ,
Бойсун туман Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бўлими бош мутахассиси.



неча минг йиллар қаъридан бугунгача етиб келган мана шундай ибратли одатларимиздан. Баъзан ушбу одатларимиз замона зайли туғайли унутилаётгандек кўринса-да, ҳали ҳам Бахтиёр Шукуров каби фидойий инсонлар саъй-ҳаракати боис аъналаримиз яна қайта тикланиб, халқимизнинг боқий меросларига айланиб бориляпти.

(Давоми 2-бетда)